

## ДИГИДРОАТИЗИННИНГ МАҲАЛЛИЙ ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ ВА АНАЛЬГЕТИК ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

**М.Ш. Қодирова**

С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик Моддалар Кимёси институти, Тошкент ш.,  
Ўзбекистон Республикаси.

**Ишнинг мақсади:** Дигидроатизин дитерпинодли алькалоидининг маҳаллий оғриқсизлантириш ҳамда кимёвий омиллар ёрдамида чақирилган оғриқли реакцияларга нисбатан таъсирини ўрганишдан иборат.

**Усуллар:** Тажрибаларимиз қуёнларда ҳамда оқ сичқонларда анальгин ва ацетилсалицилат кислота билан таққослаган ҳолда бир хил шароитда олиб борилди. Препаратнинг маҳаллий оғриқсизлантириш хусусиятини ўрганишда дигидроатизиннинг 0,1 – 0,5% гача бўлган сувли эритмалари қуёнларнинг кўзига (2-3) томизиш орқали амалга оширилди (Ренъе – Валета усули).

Анальгетик активлигини ўрганишда дигидроатизиннинг энг фаол таъсир миқдорини аниқлаш учун препарат турли дозаларда тери остига юборилди. 60 минутдан сўнг 0,75 % ли уксус кислота 75 мг/кг миқдорда қорин бўшлиғига киритилди. Шундан сўнг 0-15 минут давомида қорин мускулларининг тиришиб қисқаришлар сони ҳисоблаб борилди. Ушбу тажрибада ҳар бир доза таъсири 10 тадан сичқонларда ўрганилди. Назорат гуруҳ сичқонларида препарат ўрнига дистирланган сувдан фойдаланилди. Тажрибамизда дигидроатизиннинг энг фаол таъсир дозаси кучли анальгетик препарат – анальгин ва ацетилсалицилат кислота билан таққослаб ўрганилди.

**Натижалар:** Тажриба натижаларига кўра дигидроатизиннинг 0,25-0,5% ли эритмаси анестезик таъсири юқори эканлигини намоён қилди ва бу таъсир 30-45 секунддан сўнг бошланиб, 30-40 минут вақт давом этди.

Дигидроатизиннинг анальгетик энг фаол таъсир дозаси тери остига юборилганда 25 мг/кг эканлигини кўрсатди. Бу дозада сичқонларда тиришишлар сони назорат гуруҳ сичқонлари ( ўртача 26 марта) га нисбатан 50% кам, яъни ўртача 13 мартани ташкил қилди. Сўнг ҳар бир препаратнинг терапевтик индекси аниқланилди (дигидроатизин 14, анальгин 10,4, аспирин 7,6).

Дигидроатизиннинг анальгетик активлиги анальгинга нисбатан ўртача 1,4 марта, ацетилсалицилат кислотага нисбатан 1,8 марта юқори экан.

**Хулоса:** Юқоридаги тажриба натижалардан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, дигидроатизин кўрсатилган концентрацияда ҳайвон хужайра рецепторларни сезувчанлик қобилятини узоқ вақт давомида пасайтириб туради ва шу билан бирга организмда кучли оғриқ қолдириш хусусиятини намоён қилишлиги ҳам аниқланилди.